

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛИЛЛАЕВ АДИЛБЕК КУРАМБАЕВИЧ**

**ИСПАН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “НОМВРІА” / “МАРДЛИК”**  
**КОНЦЕПТИ ҚЎЛЛАНИШИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ВА**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

УЎК: 811.134.2'366.552  
811.512.133'366.552

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Халиллаев Адилбек Курамбаевич**

Испан ва ўзбек тилларида “hombra” / “мардлик” концепти

қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари..... 3

**Халиллаев Адилбек Курамбаевич**

Когнитивные и лингвокультурологические особенности

функционирования концепта «hombra»/«мардлик» в испанском и

узбекском языках..... 23

**Adilbek Kurambayevich Khalillayev**

Linguocognitive and Linguocultural Features of Functioning the Concept

“Hombra”/ “Mardlik” in the Spanish and Uzbek Languages..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛИЛЛАЕВ АДИЛБЕК КУРАМБАЕВИЧ**

**ИСПАН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “НОМВРІА” / “МАРДЛИК”**  
**КОНЦЕПТИ ҚЎЛЛАНИШИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ВА**  
**ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil895 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Якубов Жамолiddин Абдувалиевич  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Насиров Абдурахим Абдимуталипович  
филология фанлари доктори, доцент

Ткачёва Анастасия Александровна  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» январь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email:uzswlu\_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «28» декабрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «28» декабрь да 1 рақамли реестр баённомаси).



Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

И.А. Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаши қошидаги Илмий семинар раиси в.б., филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон тилшунослигида тил соҳибларининг миллий маданияти, дунёқараши, урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятларини ўзида мужассам этган халқ оғзаки ижодининг турли жанрларидаги матнларнинг лингвистик тадқиқи асносида тилнинг умумий ва хусусий қонуниятларини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Тилшуносликда прагмалингвистика, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, матн тилшунослиги каби соҳалар доирасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш, хусусан испан ва ўзбек тилларида “мардлик” концептининг матнда ифодаланиши, унинг мулоқот муҳитидаги мавқеини аниқлаш, ушбу ҳодисаларнинг когнитив моҳиятини белгилаш, функционал имкониятларини очиб бериш, концептуал таснифини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида прагмалингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, дискурс назарияси каби фанларнинг ўзаро интеграцияси натижасида антропоцентрик парадигманинг лингвокультурология йўналиши жадал ривожланмоқда. Когнитив-прагматик йўналишда испан ва ўзбек тилларида “*hombria*”/”мардлик” концепти қўлланишининг когнитив ва лексик-семантик хусусиятларининг очиб бериш, “*hombria*/мардлик” концептини ифода этувчи лексемаларнинг бадий матнларда, шунингдек мақол ва маталлардаги структурал моделларини испан ва ўзбек тиллари материаллари асосида ўрганиш, фрейм таҳлил усули асосида “*hombria*/мардлик” семантик майдонининг ядро ва периферияларини аниқлаш долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда маънавий юксалишнинг асосида турли тилларнинг қиёсий тадқиқини олиб бориш, ноқардош тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб бериш замонавий тилшуносликнинг устувор вазифаларидандир. Янги Ўзбекистонда хорижий тилни билиш бугунги кунда касбий компетенция шартларидан биридир. «Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозимлиги, ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт»<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг ички имкониятларини эгаллаш миллий маънавиятни такомиллаштириш ва уни ёшлар онгига сингдиришда алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 25.01.2020 й.

2018 йил 5 июндаги ПҚ-3735-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** “Мардлик” концепти когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, тилшунослик, сиёсатшунослик, социология ва этнопсихология каби бир қатор фанлар учун тадқиқот объекти ҳисобланади. Турли тизимли тилларда “*hombria*/мардлик” концептига бўлган қизиқиш кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, Р. Осипов “ботирлик” тушунчасининг немис ва инглиз тилларида лексик-семантик ифодаланганлигини бадиий матнлар мисолида диахронияда ўрганган<sup>2</sup>. А.А. Морозова ўз тадқиқотида<sup>3</sup> “аёл” ва “эркак” концептларининг стереотиплари ва уларнинг когнитив тилшуносликдаги моҳиятини очиб беришга эътиборни қаратган. С. Зыкова диссертациясида “Довюраклик” концептининг олам лисоний манзарасида реализациясининг ўзига хос хусусиятлари: рус ва испан тиллари материали асосида таҳлил қилинган<sup>4</sup>. И. Тищенко мақоласида “Ботирлик” концептининг француз ва рус тилларидаги эволюцияси ҳақида фикр юритган<sup>5</sup>.

Биз олиб бораётган тадқиқотимиз юқоридаги ишлардан куйидаги лисоний омиллар билан фарқ қилади: 1) турли тизимли тилларда “*hombria*/мардлик” концепти қўлланишининг когнитив ва лексик-семантик хусусиятларининг очиб берилиши, 2) ҳозирги замон испан ва ўзбек тилларида “мардлик” фреймининг турли хил концептуал белгилар билан ифодаланишини аниқлаш, 3) испан ва ўзбек тилларида “*hombria*/мардлик”

---

<sup>2</sup> Осипов Р.С. Лексико-семантическая репрезентация понятия «мужество» в немецком и английском языках (диахронический аспект): диссертация ... кандидата филологических наук: 10.02.20 / Осипов Роман Сергеевич; [Место защиты: Московский государственный областной университет]. – Москва, 2016. – 144 с.

<sup>3</sup> Морозова А.А. Лингвокогнитивное содержание гендерных стереотипов женственности и мужественности (на материале испанского языка). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Самарканд, 2011. – С.177.

<sup>4</sup> Зыкова С.А. Специфика реализации концепта «мужественность» в языковой картине мира: на материале русского и испанского языков тема диссертации и автореферата по ВАК 10.02.20, кандидат филологических наук. Нижневартковск – 2020.

<sup>5</sup> Тищенко И.Е. Эволюция концепта «смелость» во французском и русском языках. Статья поступила в редакцию журнала 18 декабря 2006 г., принята к печати 25 декабря 2006 г.

концепти ифодаланишининг ўзига хос лингвомаданий хусусиятларини бадий матнларда таҳлил қилиш.

Замонавий тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, лингвомаданиятшунослик, прагматик, социолингвистик, психолингвистик ва когнитив тилшунослик каби йўналишнинг жадал ривожланиб боришида хорижий тилшунос олимлар А. Бабашкина, С. Воркачев, Е. Кубрякова, В. Маслова, З. Попова, Ю. Степанов, мамлакатимизда ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борган А.А. Абдуазизов, Д.У. Ашурова, М.Д.Джусупов, А.Э. Маматов, Ш.Сафаров, Ў.Қ. Юсупов, Ғ. Хошимов, Ж. Якубов каби тилшунослар ўз ишларида соҳа ривожига муҳим ҳиссаларини қўшиб келмоқда<sup>6</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишларининг “Когнитив тилшуносликда концепт муаммоларини ўрганиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** испан ва ўзбек тилларида “hombria/мардлик” концептининг когнитив ва лингвомаданий хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тилшуносликда концептуал таҳлил, концепт ва фрейм тушунчасига доир назарий қарашларни таҳлил этиш;

---

<sup>6</sup>Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. Тошкент, “Шарқ”. 2015. 176 б.; Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста. – Хорижий филология. – №3. – Самарканд. – 2011. – Б.26-33; Бабушкин А. П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. Воронеж: Изд-во ВГУ, 1996. 104 с., с. 38.; Бахронова Д.К. Оламнинг лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера// Хорижий филология, 2019. – №3. – Б. 62-68; Воркачев С.Г. Концепт счастья в русском языковом сознании: опыт лингвокультурологического анализа: Монография. Краснодар: изд-во Кубан. гос. техн. ун-та, 2002. - 142 с.; Джусупов, Н. Проблема концепта в современной лингвистике // Преподавание языка и литературы. Ташкент, 2004. № 4. С. 12– 17; Жўраева М.Француз ва ўзбек эртақлари матнида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олишучун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2016. – Б. 59.; Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Т., Лузина Л.Г Краткий словарь когнитивных терминов. Составители: -М., 1997. -С. 47.; Маматов А.Э. Замонавий лингвистика. Toshkent – “Noshir”. 2019. – Б.160.; Маслова В. А. Введение в когнитивную лингвистику: учеб. пособие. – М.: Флинта: Наука, 2011. — 296 с. Стр.13. ; Попова З. Д., Стернин И. А. Когнитивная лингвистика. – М.: АСТ: Восток – Запад, 2010. – 314 с.; Попова З.Д., Стернин И.А. Понятие «концепт» в лингвистических исследованиях. Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 2000. - 30 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах.: Сангзор, 2006. – Б. 25-46.; Сафаров Ш. Семантика. – Ташкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013. – Б. 283.; Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры. – М.: Школа «Языки Русской культуры», 1997. - 824 с.; Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилохлар. Филология масалалари. Тошкент 2011; Хошимов Г.М. К теории концептов и их таксономии в когнитивной лингвистике. // Систем-структур тилшунослик муаммолари. Филология фанлари доктори, профессор Н.К.Турниёзов таваллудининг 70-йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Самарканд,2010; Якубов Ж.А., Концептнинг семантик кирралари. – “Хорижий тилларни ўқитишда замонавий ёндашувлар” мавзусидаги халқаро илмий – амалий анжуман материаллари. 2018 йил 11 апрель. 2 китоб. Фарғона – 2018. – Б. 227- 228.; Ёкубов Ж. Тилшуносликда концепт ва категория терминларига доир баъзи мулоҳазалар. – Хорижий адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Муҳаммаджон Ҳолбековнинг 70 йиллик юбилейига бағишланади. Самарканд давлат чет тиллар институти. Самарканд. 2020.– Б. 41-46.;

испан ва ўзбек тилларида “мардлик” концептининг моҳиятини очиб берувчи лексемаларнинг синонимлар таркибини шакллантириш;

испан ва ўзбек тилларида “*hombria*/мардлик” концептини ифодаловчи лисоний воситаларнинг ўхшаш ва ноўхшаш фарқларини аниқлаш;

семантик ва концептуал майдонлар, лексик маъно ва тушунча ўртасидаги боғлиқлик масалалари моҳиятини очиб бериш;

*hombria*/мардлик” концептини ҳосил қилувчи лисоний моделлар асосида фрейм таҳлилини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида испан ва ўзбек тилларида “*hombria*/мардлик” концептини ифодаловчи изоҳли луғатлар ва бадиий матнлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** испан ва ўзбек тилларида “*hombria*/мардлик” концептуал майдонини ташкил қилувчи лисоний бирликларнинг лексик-семантик, стилистик ва прагматик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мавзуни ёритишда когнитив моделлаштириш, фрейм, дистрибутив, статистик, функционал ва қиёсий-чоғиштирма таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

“*hombria*”/“мардлик” концептига синоним бўлган “ботирлик”, “довюраклик”, “жасурлик” тушунчаларини изоҳловчи ядровий лексемалар ва уларнинг синонимлари таркибини аниқлаш орқали “мардлик” концептининг ўзбек тилида 3 та семантик (“От+сифат”, “Сифат+от”, “Феъл+равиш”) моделлар ёрдамида ифодаланиши ва “Жасурлик” концептининг испан тилида *valentía que*-сифат+боғловчи, *reciente valor* – сифат+от, *del valor* – предлог+артикл+от, *temeridad atroz* – От+от каби 4 та модел конструкция орқали ифодаланиши асосланган;

“*hombria*/мардлик” семантик майдонининг испан ва ўзбек тилларидаги ядро ва перифериялари “мардлик” концептини Ботирлик ва Қўрқоқлик, Мардлик ва Номардлик семантик гуруҳ ва семантик майдонларга ажратиш орқали аниқланган;

испан тилида “мардлик” концептининг морфосинтактик қурилишининг адъектив синтагма (Adj + *virilidad/hombria/masculinidad*), номинал синтагма (S + *virilidad/ hombria/masculinidad*), вербал синтагма (V + *virilidad/ hombria/masculinidad*) турларини аниқлаш орқали “*hombria*-мардлик” концепти семантик майдони концепт ядроси, яқин периферия, узоқ периферия даражалари далилланган;

испан ва ўзбек тил маданиятларига хос бўлган мардлик, ботирлик, жасурлик, қўрқмаслик (*hombria (hombredad), virilidad, masculinidad, valor, valentía, osadía, audacia, machismo*), ақл кучи, ички қудрат (*entereza, firmeza,*) фаоллик, ғайратлилик, муваффақият (*vigor, energía, fuerza*), олижаноблик, қадр-қиммат (*honor (honra, honradez), dignidad, caballerosidad*), ташқи кўриниш (*reciedumbre*) каби универсал жиҳатлар концептуал усул орқали аниқланган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли тизимли тилларда “*hombra*”/мардлик” концептига синоним бўлган “ботирлик”, “довюраклик”, “жасурлик” концептининг моҳиятини очиб берувчи ядровий лексемаларнинг синонимлар таркиби аниқланган;

“*hombra*”/мардлик” семантик майдонининг ядро ва перифериясини ташкил этувчи лексемаларнинг ўрни ва уларга хос семантик, функционал, прагматик хусусиятлари очиб берилган;

Ўзбек халқ мақоллари тўпламида қўлланган “мардлик” концептини англлатувчи лексемалар танлаб олинди ва улар икки семантик гуруҳга ажратилди: 1. *Ботирлик ва қўрқоқлик*; 2. *Мардлик ва номардлик*. Ушбу мақоллар тўпламида жами 283 лексемада “мардлик” концепти ифодаланганлиги кузатилди;

испан тилида “*hombra*”/мардлик” концептининг мақол, матал ва ҳикматли гапларда қўлланиши испан тили изоҳли луғатларида таҳлил қилинди ва статистик таҳлил фойдалари рақамларда аниқ кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув ва методлар ҳамда уларнинг назарий асослари испан ва ўзбек тилларидаги бадиий адабиётлардан олинган мисоллар таҳлилининг ўзаро мувофиқлиги олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти испан ва ўзбек тилларида “*hombra*”/мардлик” концептини қиёсий-типологик жиҳатдан таҳлил қилиш, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик ва замонавий лексикология фани учун муайян назарий аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган маълумотлар, когнитив лингвистика, қиёсий типология, лексикология, стилистика, лингвомаданиятшунослик каби назарий фанлар курси учун маъруза матнлари ва семинар материаллари сифатида, лексикография амалиётида испанча-ўзбекча луғатлар тузишда, шунингдек, тил амалиёти дарсларида қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Испан ва ўзбек тилларида “*hombra*”/“мардлик”концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятларига доир ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

испан тилида “*hombra*”/“мардлик” концептига синоним бўлган “ботирлик”, “довюраклик”, “жасурлик” тушунчаларини изоҳловчи ядровий лексемалар ва уларнинг синонимлари таркибига доир илмий натижалардан Испаниянинг Кадис университетиде бўлиб ўтган “Ўзбекистон-Испания маданиятлараро алоқалари” номли илмий-амалий конференция маърузасини тайёрлашда фойдаланилган (Испания, Андалусия, Кадис университетининг 2021 йил 27 майдаги 59.2013-сон маълумотномаси). Натижада “концепт” тушунчасини ўрганишда когнитив ва лингвомаданий ёндашувнинг замонавий тилшунослик фанидаги роли аниқ кўрсатиб берилган ва

“hombria”/“мардлик” концептининг лингвомаданий хусусиятларига оид ўхшаш жиҳатлари аниқланган;

“hombria”/“мардлик” концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари” мавзусидаги диссертациясида келтирилган илмий натижалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказининг 2021 йил 17 майдаги 10-05/78-сон маълумотномаси). Натижада “Филология ва тилларни ўқитиш (испан тили)” таълим йўналишида Коммуникатив тилшунослик ва тил компетенциялари модулини ўқитишда ҳамда тил назариясининг тил амалиётига интеграцияси модуллари бўйича ўқув дастури ва ўқув-услубий мажмуаларини тузишда хизмат қилган;

“hombria”/“мардлик” концептини ифода этувчи лексемаларнинг бадиий матнларда, шунингдек мақол ва маталлардаги структурал моделларига оид хулосалардан “Lectura y escritura” номли ўқув қўлланманинг “Los hombres y la personalidad” ва “Oportunidades para las personas con discapacidad” мавзуларини яратишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи, нашр гувоҳномаси №274-305). Натижада фойдаланилган материал уларнинг мазмун ва моҳиятини бойитиш имконини берган;

испан ва ўзбек маданиятига хос бўлган мардлик, ботирлик, жасурлик, кўркмаслик (hombria (hombredad), virilidad, masculinidad, valor, valentía, osadía, audacia, machismo), ақл кучи, ички кудрат (entereza, firmeza,), фаоллик, ғайратлилик, муваффақият (vigor, energía, fuerza), олижаноблик, қадр-қиммат (honor (honra, honradez), dignidad, caballerosidad), ташқи кўриниш (reciedumbre) концептларининг концептуал таҳлилига доир хулосалардан Мексика Давлат Автоном Университети томонидан ташкил этилган онлайн курс машғулотларида фойдаланилган (Мексика Давлат Автоном Университетининг 2021 йил 3 майдаги 801-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва испан маданиятининг қиёсий таҳлилини “hombria”/“мардлик” концепти асосида янада такомиллаштириш бўйича берилган хулосалар хорижий мутахассислар томонидан эътироф этилиб, мазкур материал соҳага оид манба сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибига кириш, ишнинг учта асосий боби, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Когнитив тилшуносликда концепт, категория ва фрейм терминлари қўлланишининг лексик-семантик хусусиятлари”** деб номланган биринчи боби когнитив тилшуносликда “концепт” терминининг қўлланишига доир назарий қарашлар, категория ва фрейм терминларининг ифодаланиш хусусиятлари ва концепт терминининг лингвомаданиятшуносликдаги ўрни ва аҳамияти муаммоларига бағишланган.

Жаҳон когнитив тилшунослигининг кўзга кўринган йирик намоёндаларидан бири, рус олимаси Е.С.Кубрякованинг фикрича, “Когнитив тилшунослик тил ҳақидаги фаннинг нисбатан янги, истиқболли бир йўналиши бўлиб, унинг таҳлил марказида тил, яъни маълумотни воқелантириш (кодлаштириш, калитлаштириш) ва трансформация қилиш, яъни узатишда муҳим роль ўйновчи белгилар тизимини уларнинг когнитив асоси билан узвий боғлиқликда олиб тадқиқ қилади”<sup>7</sup>.

Демак, олима фикрига таяниб шундай дейиш мумкин: когнитив тилшунослик тил ходисаларини тафаккур жараёнлари билан узвий боғлиқликда тадқиқ қилади, шу билан бирга инсон томонидан тилнинг ўрганилиш механизмлари ва концептуаллашиш ҳамда лексик категориялашиш жараёнлари орқали бизни ўраб турган объектив борлиқ ҳақидаги билимларимизнинг таркиб топиш тамойилларининг очиб берилиши, тушунтирилиши ва ёритилишига пухта замин яратади<sup>8</sup>.

Когнитив тилшунослик – тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи фандир. В.З.Демьянков фикрига кўра, унда тил структураларининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар – сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Т., Лузина Л.Г Краткий словарь когнитивных терминов. Составители: – М., 1997. – С. 52.

<sup>8</sup> Расулова М.И. Основы лексикой категоризации в лингвистике. Изд-во «ФАН» Академии наук Республики Узбекистан. Ташкент – 2005. – 268 с.

<sup>9</sup> Демьянкова В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода// Вопросы языкознания. – Москва, 1994. – №4. – С. 17-33.

Айтиш жоизки, когнитив тилшуносликда концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнлари катта аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, “Концептуаллаштириш инсон тажрибаси – билимлари таркиби (мажмуаси)сининг минимал маъноли бирликларини фарқлашга йўналтирилган бўлса, категориялаштириш жараёни ўхшаш бирликларини бир биридан фарқлаб, турлаштириб, уларни нисбатан йирикроқ бўлган туркумларга, тўғрироғи категорияларга бирлаштиришга қаратилгандир”<sup>10</sup>. Бундай ҳолатда тилда сўзловчи/ёзувчи объектив борлиқни қандай ҳис қилади ва уни қандай идрок қилади каби саволларга жавоб бериш, шунингдек маълум тил эгаси бўлмиш реал оламда дунёнинг объектив манзарасининг шаклланишида қандай объектив ва субъектив лисоний омиллар мавжудлигини аниқлаш эса катта роль ўйнайди. Бундан ташқари тилда мулоқот олиб борувчи мазкур оламда мавжуд объектив борлиқни қандай вербал воситалар орқали тилга хос тил манзараси орқали воқелантирилиш усуллари ва лисоний ифодалаш техникаларини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиши муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда Ватанимиз тилшуносларини ҳам концепт ҳақидаги қарашларини таҳлилга тортиш жоиз деб биламиз. Юртимиз тилшунос олимлари (Д.Ашурова, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, М.Д.Джусупов, А.Абдуазизов, А. Маматов, Ж.Ёкубов ва бошқалар.) когнитив тилшуносликнинг таянч тушунчаларидан бири бўлган концепт муаммоларига қаратилган тадқиқотлари билан лингвомаданиятшунослик соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ш.Сафаров ўзининг “Когнитив тилшунослик” китобида концепт асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади, концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади ҳамда улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади”, деб ёзади <sup>11</sup>. Д.У. Ашурованинг концептга бўлган нуқтаи назари куйидагича: концепт –бу уйғун бирлик ҳосил қилувчи ментал тузилма бўлиб, у олам тасвирининг ядровий компоненти сифатида лингвомаданий аҳамиятга эга бўлган алоҳида шахсга ва бутун жамиятга тегишли бўлади”<sup>12</sup>. Ў.Қ. Юсупов концептни шундай таърифлайди “Концепт – бу онгимизда мавжуд ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал муносабатдир”<sup>13</sup>. А.Э. Маматов концепт структурасига ва унинг моҳиятига эътибор қаратиб, шундай ёзади: “Концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир томондан, тушунчанинг барча қирраларини қамраб олса, бошқа тарафдан уни маданиятнинг бир кўриниши сифатида ифода этувчи дастлабки омиллар,

---

<sup>10</sup> Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Т., Лузина Л.Г Краткий словарь когнитивных терминов. Составители: -М., 1997. -С. 47.

<sup>11</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах.: Сангзор, 2006. – Б. 25-46.

<sup>12</sup> Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста. – Хорижий филология. – №3. – Самарканд. – 2011. – Б.17-23.

<sup>13</sup> Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилоҳлар. Филология масалалари. Тошкент 2011. – Б. 10.

яъни у ёки бу тушунчанинг этимологияси, тарихи, ҳозирги кундаги ассоциативлиги, кадр- қимматлиги, коннотацияларини қамраб олади”<sup>14</sup>.

Тадқиқотда концепт ҳақида назарий қарашларнинг барчасини умумлаштириб, концепт категорияси иккита катта янги парадигмага ажратилди: лингвокогнитология ва лингвомаданиятшуносликда ишлатилганлиги сабабли фанлараро мақомга эга бўлиши исботлаб берилди.

Когнитив тилшуносликда "фрейм"<sup>15</sup> тушунчаси – бу мавҳум тасвирнинг модели, объект, ҳодиса, вазият, жараённинг моҳиятини энг кичик тавсифидир. Сценарий фрейми – бу ҳаракат, концепт ёки ҳодисанинг характерли элементларини ўз ичига олган ҳаракат, концепт ёки воқеа учун одатий тузилма шаклида қўлланиши маълум бўлди.

Бугунги кунда "концепт" тушунчасини ўрганишда иккита асосий ёндашув замонавий тилшунослик фанида ажратиб кўрсатилди: когнитив ва лингвомаданиятшунослик. Бундай ёндашув – тил ва маданият ўртасидаги шубҳасиз боғлиқликни тасдиқлашдан иборат.

Ҳозирги кунда лингвомаданиятшунослик соҳасида бажарилаётган тадқиқотлар асосан тил ва маданият мослигини синхрон тарзда ўрганиш ва тасвирлашга бағишланганлигининг сабаби, бир томондан лингвомаданиятшунослик тилдаги инсон маданий омилига, иккинчи томондан инсондаги тил омилига йўналтирилганлиги аниқланди. Демак, лингвомаданиятшунослик – инсон ҳақидаги фаннинг бир қисми эканлиги, унинг тортиш маркази эса маданият феномени дейишга асос бўлди. Бу ҳолат эса ҳозирги пайтда концепт лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири сифатида кўрилиши лозим деб тушунмоқ лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Замонавий тилшуносликда “*hombria*/мардлик” концептининг қўлланишининг семантик хусусиятлари”** деб номланади. Ушбу бобда тилшуносликда “Аксиологик-Баҳолаш” категориясига доир назарий қарашлар, турли тизимли тилларда “*hombria* /мардлик” концепти қўлланишининг когнитив ва лексик-семантик, шунингдек испан тилида *hombria* лексемасининг келиб чиқиш ва унинг морфологик, лексик ва семантик хусусиятлари очиб берилган.

Баҳолаш категорияси кейинги йилларда лингвистик тадқиқотларда марказий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу лингвистиканинг борлиқ объектлари ва ҳодисаларини антропоцентрик парадигмага ўтиши билан боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлди. “Баҳолаш” термини турли хил фан соҳаларида қўлланиб, улар объектлар ва тил ҳодисаларининг ижтимоий ёки маданий моҳиятини кўрсатишга хизмат қилади.

Ҳозирги замон тилшунослик доирасида баҳолаш категориясига турли хил ёндашишлар мавжуд бўлиб, ушбу бобда улар учта семантик гуруҳга ажратиб таҳлил қилинди: 1) баҳолаш маъноларининг прагматик аспекти; 2) баҳолашнинг функционал-семантик аспекти; 3) баҳолашнинг миллий-маданий аспекти.

<sup>14</sup> Маматов А.Э. Замонавий лингвистика. Toshkent – “Noshir”, 2019. – Б.160.

<sup>15</sup> Минский М. Фреймы для представления знаний; пер. с англ. — М.: Энергия, 1978. — 151 с.

Тилшуносликда “мардлик” концепти терминининг кўлланиши фалсафий, психологик, мантикий ва лингвистик йўналишида илмий ишлар олиб бораётган тадқиқотчиларнинг ҳам диққат марказида эканлиги аниқланди.

Мардлик – бу инсоннинг маънавий (иродавий) фазилати бўлиб, унинг ўзидаги кўрқинч, муваффақиятга ишончсизлик, қийинчиликлар олдида ва ўзи учун ноқулай натижаларидан хавотирланишни ошиб ўтиш қобилиятини характерлайди. Мардликлик шундай инсоний ижобий фазилатки, у ўз олдида кўйилган мақсадларга эришиш учун қатъий ҳаракатлар қилишни, одамлар томонидан душманлик ҳоллари ва босимига қарамасдан танланган идеалларга ва нуқтаи назарларга садоқатни, айниқса фикри кўпчиликнинг фикрига зид бўлса ёки бутунлай янги бўлса, шахсий фикрини очикчасига ифода қилиши хусусиятлари билан намоён бўлиши кузатилди<sup>16</sup>.

Турли тизимли тилларда «hombria”/“мардлик” концептига бўлган қизиқиш кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. “Мардлик” концептига синоним бўлган “ботирлик”, “довюрлик”, “жасурлик” лексемалари бир қатор лингвистларнинг илмий мақолаарида ҳам акс этганлиги аниқланди.

Юқоридаги илмий ишларда тадқиқотчилар томонидан куйидаги масалалар таҳлилга тортилгани очикланди ва улар ушбу бобда атрофлича назарий таҳлил қилинди: 1) “ботирлик” тушунчасини экспликация қилувчи ядровий лексемаларнинг ва уларнинг синонимларининг таркибини аниқлаш; 2) бадий матнларида лексик-семантик ифодаланганлигининг шаклланиши ва ривожланишини диахроник жиҳатдан ёритиш; 3) диахрония нуқтаи назаридан “ботирлик” тушунчасини билдирувчи лексемалар маъносининг бадий матнларида ифодаланиш динамикасини ўрганиш; 4) “довюрлик” концептининг олам лисоний манзарасида реализациясининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, 5) “Довюрлик” концептининг семантик майдонларини ўрганиш ва қиёслаш ҳамда унинг рус ва испан тилларидаги ассоциатив алоқаларини аниқлаш; 6) Рус ва испан тиллари лингвомаданиятлари учун “довюрлик” концептининг структурасидаги ҳар икки маданиятга хос бўлган, миллий-ўзига хос жиҳатлар каби универсал компонентларини ажратиш кўрсатиш; 7) “Ботирлик” концептининг француз ва рус тилларидаги эволюциясининг концептуал хусусиятларини: ижтимоий, антроморф, зооморф белгилар, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар, ички фазилат номлари остида бирлаштирилган белгиларни ажратиш хусусиятлари маълум бўлди.

Тадқиқот жараёнида биз испан тилида *hombre* лексемасининг этимологик келиб чиқишига эътибор қаратдик. Натижада *hombre* лексемаси ва ушбу сўз билан боғлиқ жуда кўплаб қизиқарли маълумотлар борлиги аниқланди.

---

<sup>16</sup> Умархўжаев Мухторхон. “Қизил китоб” га тушмас туйғулар: қомусий луғат. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 128 б.

Испан тилидаги *hombre* сўзи лотинча *homo, hominis* сўздан келиб чиқиб, “*individuo de la especie humana, hombre o mujer*” – “одамзот индивиди, эркак ёки аёл” деган маънони билдирган, яъни бу сўз ҳам эркакка, ҳам аёлга нисбатан қўлланилганлиги асослаб берилди.

Ҳозирги луғатларда *hombre* сўзига хос икки хил таъриф ва мавжудлиги аниқланди: 1) эркак жинсидаги одамзот индивиди; 2) эркак жинсидаги катта киши ёки “эр, хуштор”. Шунингдек ушбу сўзнинг структурасида учта ядровий семаси ажратиб кўрсатилган: 1) “инсон”; 2) “эркак жинси”; 3) “ёш”.

Ушбу бобда испанча луғатларда *varón* ва *macho* отлари қўлланишининг семантик хусусиятлари очиқ берилди<sup>17</sup>. *Varón* оти “ёшидан қатъий назар эркак жинсига тегишли одам” сифатида таърифланади, яъни ҳар қандай ёшдаги эркакка нисбатан ишлатилганлиги маълум бўлди. 1732 йилдан бошлаб, “*macho*” “эркакнинг ҳаддан ташқари кучи ва матонати” деб таърифланиб, *macho* сўзи қуйидаги маъноларни ифодалиши аниқланди: 1) сифат. Анъанавий тарзда эркаклик жиҳатлари деб қараладиган характерли хусусиятларга эга (қудрат, жасурлик, барқарорлик ва ҳ.к.) 2) “кучли, матонатли, бақувват”, масалан: *pelo macho* – “дағал сочлар”, *vino macho* – “ўткир вино”.

Юқорида *hombre* лексемасининг этимологик келиб чиқиши бизни қуйидаги хулосаларга келишимизга давъат этди: Биринчидан, испан тилининг лексик фондида эркак номинациясининг етарли даражадаги бой синонимлар қаторига эга (*hombre, varón, macho, caballero...*); *hombre, varón* сўзли (*hombre bueno, santo varón* ва б.) бирикмалардаги ижобий коннотацияларнинг мавжудлиги билан берилган; иккинчидан, тарихан *hombre, varón, macho* сўзлари орқали ифодаланаётган довураклик образи бизнинг кунларимизгача сақланиб қолиши; учинчидан, *macho* сўзи “мачизм” атамасини келтириб чиқариши билан ниҳоят даражадаги ўз кадр-қиммати, пешқадамлик, жамият олдида хурмат қозонишга эришишга интилиш (*todo un hombre, hombre de pelo en pecho* ва б.) ҳисси каби эркаклик фазилатларига эга эканлиги намоён бўлди.

Диссертациянинг учинчи боби “Испан ва ўзбек тилларида “**hombría** /мардлик” концептининг лингвомаданий хусусиятлари” деб номланган. Мазкур бобда ўзбек тилида “мардлик” фреймининг лексик-семантик хусусиятлари, испан тилида “*hombría*”/мардлик“ тушунчасининг концептуал тадқиқи испан ва ўзбек тилларида “*hombría*”/мардлик“ концептининг лингвомаданий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир. Кимда шу фазилат бўлса, у фахрланса арзийди. Мардлик одамларни улуғвор ишларга ундайди. Мард одам, албатта, жасур бўлади. Мардлик кўрқувдан жирканиш, шармисор бўлишдан кўрқишдир. Мард одам доимо сўзида туради.

“Давлатингдан айрилсанг - кўп нарса йўқотасан, номусингдан айрилсанг - кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилганинг – ҳамма нарсани йўқотганинг”, - дейдилар. Инсон уч нарса билан хушнуд, бири ақл, бири

<sup>17</sup> Испано-русский словарь современного употребления / Под ред. А.В. Садикова. – М.: Русский язык, 1998.

ростгўйлик, бири жавонмардликдир. Жавонмард одам жасур, мард, сабр-матонатли, ваъдага вафо қилувчи, покдил ва покзабон одамдир. У ёмонларнинг ёмонлигини яхшилардан йироқ тутади<sup>18</sup>.

Биз ўзбек тили материалида “мардлик” концептини ёритишда ўзбек ёзувчилари А. Қодирӣ (2016), Ў. Ҳошимов (2018), шунингдек ўзбек ва жаҳон адабиёти йўналишида ёзилган ҳикоялар тўпламига мурожаат қилдик<sup>19</sup>.

Ўзбек тилида мисоллар таҳлили асосида “мардлик” концептини 10 та семантик гуруҳга ажратдик. “Мардлик” лексемасининг семантик майдонининг маъно гуруҳлари слотлар (уя, катакчалар) орқали ифодаланиши семантик жадвалларда ўз аксини топди. Ушбу бобда “мардлик” семантик майдони билан боғлиқ лисоний бирликларни фрейм таҳлили орқали ифода этишга ҳаракат қилдик. “Мардлик” концептининг структураси ва унинг фрейм таҳлили аниқланди. Таҳлил натижасига кўра “мардлик” концепти ўзбек тилида 10 та семантик гуруҳ ва 44 та лексема ёрдамида турли хил лингвокультуремалар билан берилиши маълум бўлди. Мисолларнинг таҳлиliga мурожаат қиламиз:

**I. Мардлик, мард, мардон, мардона, мардонавор, мардлардай, мардларча (равиш), мардлик, мардоналик, мардчасига каби лингвокультуремалар.**

Биз юқорида “мардлик” фреймини англатувчи концептуал белгиларини қуйидаги мисоллар таҳлиliga кўришимиз мумкин:

1) Генерал сукут сақлаб, унга бироз тикилиб қаради. **Бу мардлик**, – деди генерал ниҳоят, - мен бу одамни қатл этолмайман... Машинамни олиб уни чегарага элтиб қўйинглар. Мен сени ҳурмат қиламан сенор, чунки **бир жасур эркак бошқа бир жасур эркакни** ҳурмат қилиши керак (ММЭ,183).

Қуйидаги мисолларда эса “мардлик” концепти сифат ва от сўз туркуми билан келиб, субъектнинг қобилиятига баҳо берилмоқда:

2) Рауф Абдуллаевичнинг ўйчан кўзларида бирдан тагин ўша чўғ ёниб кетди. Мана бу – **мардона гап !** Ўзингиздан бошласангиз яна яхши ! (Н БСБ , 95 ).

3) Санамнинг гинаси ўзида экан, болади: **Марднинг қилгани** бошқа иши йўқми? Санам, Санамжон! Қирқ ўрим билан иккаланг бир биринг учун яралгансан. Қовоқ – тумшук қачонгача? (ММЭ, 129 ).

**II.** Ушбу семантик гуруҳда “мардлик” концептининг синоними бўлган *Ботир* лингвокультурема билан келган.Мазкур лексеманинг концептуал белгилари эса *ботирланмоқ, ботирлик қилмоқ, ботирлик кўрсатмоқ, ботирларча, ботирлашмоқ (рви), ботирлик лексемалари хавф хатардан, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, қўрқмас, довюрак, жасур, ботирларча, довюрак кишиларга хос иш, мардонавор ҳатти-ҳаракат, жасорат кўрсатувчи кишиларнинг ички дунёсини ифодалаб келади.* Қуйидаги мисолларни таҳлилга тортамиз.

<sup>18</sup> Умархўжаев Мухторхон. “Қизил китоб” га тушмас туйғулар: қомусий луғат. – Тошкент: Akademnashr/ 2019. – 128 б.

<sup>19</sup> Муҳаббатнинг мангу эртаги. Ҳикоялар.Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-мактбаа ижодий уйи. Тошкент-2017. – 300 б.



1) Шундай деб йиғлаб юборди Назар. Ҳе ўл, – дейишибди кишилар, **ботирланиб**. – Кўзингни ёшини оқизишга уялмаганингни қара (ММЭ, 55 ).

2) Хаёлим тангаларда. Жаранги қулоғимга ўрнашиб қолганидан қоним қайнар, ҳатто **Ботирнинг** туртганини сезмабман (ММЭ, 131 ).

**III.** Таъкидлаш лозимки, “мардлик” концепти ўзбек халқ мақолларида ҳам кўплаб қўлланиши маълум бўлди. Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар ҳулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади. Аммо қўлланиш ўрнига қараб уларнинг маъно доираси доимий равишда кенгайиб боради. Шунинг учун ҳам мақолдаги ҳар бир сўзга алоҳида эътибор бериш керак деб ўйлаймиз.

“Мардлик” концептининг ҳар томонлама моҳиятини очиб бериш мақсадида ўзбек халқ мақолларида (ЎХМ 2013) ҳам таҳлил олиб борилди. Мазкур мақоллар тўпламида “мардлик” концепти икки семантик гуруҳга ажратиб берилган. 1. Ботирлик ва кўрқоқлик (106-114б.) 2. Мардлик ва номардлик (147-154 б.). Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, мазкур мақоллар тўпламида жами 283 лексемада “мардлик” концепти берилган. Шундан ботирлик 115 та, кўрқоқлик 35 та, мардлик 111 та, номардлик 18 та. Жасурликка оид мақоллар эса жуда камчиликни ташкил этиб, фақат 4 та лингвокультурема билан берилишини кузатдик. Масалан, мақолларни турли хил гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин: 1) **Ботир** ёвда билинар, Сўзчи – довда. **Ботир** ишнинг бошида, Яхши келар қошига. **Ботир** ўлса, номи қолар, **Номард** ўлса, нимаси қолар. 2) *Мард айтмас, Айтса қайтмас. Мард бир марта ўлар, Кўрқоқ – юз марта. Мард иши мард.* 3) *Жасур бўлсанг, ёв қайтар. Жасур жангдан кўрқмас, ёвдан сира хурқмас* (ЎХМ 2013, 109).

Жасурликка оид мақоллар эса жуда камчиликни ташкил этиб, фақат 4 та лингвокультурема билан берилишини кузатдик ва “мардлик” концепти 3 та семантик (“От+сифат”, “Сифат+от”, “Феъл+равиш”) моделлари ёрдамида ифодаланиши намоён бўлди.

#### 1-жадвал

#### Ўзбек тилида “Мардлик” концептининг мақолларда қўлланишининг статистик ҳолати

Ўзбек халқ мақоллари	Ботирлик	Кўрқоқлик	Мардлик	Номардлик	Жасурлик	Жами
	115	35	111	18	4	283
<b>ЖАМИ</b>						<b>100%</b>

Ўзбек тилида **Мардлик** концептини ифодаловчи лингвокультуремаларни 9 та катта семантик гуруҳга ажратилди: 1) Мардлик, мард, мардон, мардона, *мардонавор*, мардлардай, мардларча (рвш), мардлик, мардоналик, *мардчасига*. 2) *Ботир*, ботирланмоқ, ботирлик *қилмоқ*,

*ботирлик кўрсатмоқ, ботирларча, ботирлашмоқ* (рвш), *ботирлик*. 3) *Довюрақ, кўркмас, ботир, жасур*. 4) *Дадил, дадилланмоқ, дадиллик, дадиллашмоқ, дадилона* (рвш). 5) *Жасур, жасурлик, жасурана* (рвш), *жасоратли, жасурланиш, жасурлик, жасорат, жасоратланмоқ, жасурланмоқ, жасоратли, жасоратсизлик*. 6) *Журъат*, журъат қилмоқ. 7) *Қаҳрамон, қаҳрамонларча* (рвш), *қаҳрамонлик, қаҳрамонона*. 8) *Кўркмас*. 9) *Юракли*.

Юқоридаги лисоний бирликлар ўзбек тилида “**мардлик**” лексемаси 3 та сўз туркуми билан **мард (жасур), жасурлик, жасорат** + сифат, равиш ва от орқали ифодаланиши кузатилди.

